



Ободлик кўнгилдан бошланади

Бунёдкор ёшлар боғлари

ШАХРИМИЗГА КЎРК БАҒИШЛАМОҚДА

Кейинги йилларда униб-ўсиб келаётган ёшларнинг меҳнатсевар, билимдон, ватанпарвар, она-табиатни севиб ардоқловчи баркамол инсонлар бўлиб воёга етишлари йўлида катта саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Хусусан, Шайхонтохур тумани халқ таълими бўлими томонидан «Ёшлар йили» давлат дастури ва худудий дастурлар ижроси бўйича ободонлаштириш ишларида ёшлар фаолигини ошириш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ва пойтахтимиз худудини кўклардорлаштириш ишларида кўлаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида барча таълим муассасаларида фаол ёшлар гуруҳлари тuzилди. Тошкент шаҳар ҳокими 2008 йил 8 июнда «Тошкент шаҳри худудини санитариya ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўклардорлаштириш ишларида фаолигини ошириш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил толаган гуруҳларда бугун ишлар ҳавас қилса аризулик тарзда кетмоқда. Ҳозирги кунга келиб 20 та муассаса жойлашган маҳаллалар худудини бунёдкор

Ўз — ўтмоқда соз

Мазмунли дам олишмоқда

Келажакимиз бўлган азиз болаларни жисмонан бақувват, билимли, маънавий дунёси бой, ҳеч кимдан кам бўлмаган етук инсон, ватанимизга муносиб фарзанд қилиб тарбиялаш давлатимизнинг ёш авлод камолотига бўлган чуқур меҳр-муҳаббат, юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Ёшнинг жазирани иссиқ кунларида сўлим оромгоҳларда мириқиб дам олаётган азиз болалар бундай ғамхўрликни дилдан ҳис қиладилар. Тошкент шаҳар қороналари, ташкилотларининг пойтахт вилоятининг хушманзара, баҳаво масканларида болалар соғломлаштириш оромгоҳларида пойтахт меҳнатқилларининг фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг ўғил-қизлари, қоралпоғистонлик болалар мириқиб, мазмунли дам олмақдалар.

Ёш дам олиш мавсумида 2000 нафар қоралпоғистонлик болаларни соғломлаштириш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар оролбўйиллик 1780 нафар болалар сўлим оромгоҳларда соғлиқларини мустаҳкамладилар. Кунги кеча эса Тошкент темирйўл вокзалида «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳига дам олиш учун келаётган қоралпоғистонлик 220 нафар болалар самимий кутиб олинди. Болаларнинг беғубор чеҳраси, соддагина қилиб дилдан айтган сўзлари кишига бир олам завқ-шавқ, кувонч бағишлайди. «Ўтган йили мен «Меҳрон» Стрелцов номлидаги оромгоҳларда дам олдим. Бу оромгоҳлар менга ёқди, дейди Тўртқўл туманидаги 3-мактабнинг ўқувчиси Отабек Аҳмедов. Оромгоҳлардаги спорт мусобақаларида, тўғарак машғулотларида қатнашиб, кўп нарса ўргандим, дўстлар орттирдим, кувониб қайтдим. «Алгоритм»



Улугбек ПУЛТОВ СУРАТЛАРДА: қоралпоғистонлик болалар кутиб олинмоқда.



Улугбек ПУЛТОВ СУРАТЛАРДА: қоралпоғистонлик болалар кутиб олинмоқда.

ШАХРИМИЗДА ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРЛАРАРО КОМИССИЯСИНИНГ БИРИНЧИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ҲАМДА. ГАЗЕТАМИЗНИНГ МАХСУС МУХБИРИ ИЛЬМИРА ЗАЙНУТДИНОВА БИЛАН СУХБАТДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЛИМИ БОШЛИГИ КОМИЛЖОН ҒУЛОМОВ МАЗКУР КОМИССИЯНИНГ ФАОЛИЯТИ, БУ БОРАДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР, ШУНИНГДЕК, ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БОРАСИДА ШАХРИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ХУСУСИДА ҚЎЙИДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ.

— Мазкур янги тузилма Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, инсон қадр-қиммати ҳимоя қилишга йўналтирилган тегишли қонун ижросини мувофиқлаштириш вазифасини амалга оширади. Таъкидлаш жоизки, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш йўлини танлаган Ўзбекистон ривожланишининг «Барча нарса инсон, унинг манфаати учун» — бош тамойилига асосланган ҳолда мақсад сари дадил одимлаб бормоқда. Зеро инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланиши олий қадрият сифатида Бош Қомусимиз — Конституцияда қароратлаб қўйилган.

Жамият ва қонун

ИНСОН, УНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ БАРЧА НАРСАДАН УСТУН

Давлатимизнинг ушбу бош ҳуқуқий ҳужжати асосида кейинги йилларда қабул қилинган унлаб қонунчилик ва юзлаб меъёрий ҳужжатлар ҳам инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бўлиб, ҳаётда ўз тасдиқини топган. Шубҳасиз, мамлакатимизда исчил амалга ошириб келинаётган ислохотларнинг негизида ҳам аввалдан муносиб ҳаёт ва турмуш тарзини шакллантириш масалалари устувордир. Бу борада «Ислохотлар ислохот учун эмас, инсон умумтаъмили барча жаҳонларда ўз инфодасини топаётганининг гувоҳи ҳисобланади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, кучли ижтимоий сиёсат — жамият ва давлат қурилишида белгилаб олинган бешта асосий устувор йўналишининг бири сифатида ҳар жиҳатдан амалда катта аҳамият касб этаётди. Чунки, яхши маълуки, «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Сихат-саломатлик йили», «Оила йили», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Ёшлар йили» каби Давлат иқтисодий дастурларининг ҳаётга таътиб этилиши орқали мамлакатимизда инсоннинг, биричун навбатда болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари кўламин кенг қорал билан ҳимоя қилинмоқда, инсоннинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг исчил амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим қароратлабга айланган. Мамлакатимизда жиноятларнинг тасниқлини тўла ўзгартирилди. Суд ҳокими ята мустақиллигини таъминлаш, судлар томонидан фуқаролар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари таътиб этилаётди. Судлар жиноий, фуқаролик, ҳужжатли ишлари бўйича иқтисодлаштириш, суд ишларини апелляциядан ва кассациядан тарзда кўриб чиқиш ҳақида ярашув институтлари жорий қилинди. Прокурор ва адвокат ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жорий йилнинг январь ойидан бошлаб республикада ўлим ҳазосининг бекор қилиниши, ҳибса олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиниши таъминлаш йўлидаги муҳим кадам бўлди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилгани ҳам эътиборга лойиқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мо-

нинг жорий йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан унинг таркиби, фаолияти низоми, 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича миллий тадбирлар режаси тасдиқланди. Қонун ҳақида тегишли қарор ижросини таъминлаш бораида ҳар бир минтақа миқёсида, шу жумладан пойтахтда Тошкент шаҳар ҳокими раислигида худудий Идораларо комиссия ҳам ўз ишини бошлади. Шаҳар Идораларо комиссиясининг биринчи йиғилишида асосий эътибор янги қонуннинг мазмун-моҳиятига қаратилиб, бу борадаги фаолиятда исчилик давом этирилиётгани, янги юқорида шарҳлаб ўтилганидек, амалдаги қонунчилик-меъёрий ҳужжатлар аҳамияти ҳам кенг таътиб этилди. Шу билан бирга ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар қаторида профилактик чора-тадбирларни қувватланиш, барча манфаатдор идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ло-

булиб қолаётган энг уятли ижтимоий кўринишга қарши курашишнинг ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлади. Дарҳақиқат, ачинарлиси шундаки, миграция жараёнлари фаоллашиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз фуқаролари ҳам ушбу жиноятнинг қурбони бўлаётди. Янги миллий қонуний ҳужжат биринчи навбатда одам савдосига қарши курашишга қаратилган бўлиб, унда бундай жиноятларнинг профилактикаси, уларнинг оқибатларини камайтириш, жабранувчиларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг ҳам мувофиқлаштирилиши белгилаган. Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, жумладан Тошкент шаҳрида одам савдосидан жабранланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи иқтисодлаштирилган муассасалар, хусусан, реабилитация марказлари очилди. Ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар жабранланган интимиқий реабилитация қилиш ва соғлом турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилди. Бу борада уларга юридик ёрдам бериш, психолог, тиббий, касбий реабилитация қилиш, ишга жойлаштириш, вақтинчалик турар жой билан таъминлаш кўзда тутилган.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, айниқса хали иродаси чарчланмаган ва ҳаётий таърибига бўлмаган ёшлар ёлғонга йўрилган катта пул ишлаш таклифларига қизиқиб, бундай жиноятларнинг қармоғига олинаётди. Шу ўринда алоҳида айтиб ўтиш жоизки, мутахассислар фикрига қараганда, янги қонун ва унинг остида жорий этилаётган меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, тақдир тақозоси билан қаерда бўлишидан қатъи назар, инсон, унинг ҳаёти олий қадрият ҳисобланган ўз орти, ўз Ватанининг доимо ҳимоясида эканлигини ҳис этишга ишон беради.

Юқорида қайд этилганидек, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар трансмиллий кўринишига эга эканлиги, янги худуд ва чегара билмаслиги боис Ўзбекистон бу борада халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратади. Бевосита пойтахтдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилаётган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, бу борада қўйидаги рақамларнинг ўзи етарли дейиш мумкин. Кейинги тўрт ярим йил ичида одам савдоси билан боғлиқ 287 та жиноий иш қўзғатилган ва 219 та шахсга нисбатан айблов ҳалласи чиқарилган. Жазо муқаррар бўлсада, аммо ушбу жиноятларга дахлдор айрим шахслар устидан қидирув ишлари давом этмоқда. Шундай экан, йиғилишда таъкидланганидек, ушбу жиноятга қарши курашишда ҳуқуқ-тартиб ва бошқа манфаатдор идоралар кучини бирлаштириш муҳим, аммо бу масалада жамоатчиликнинг ҳам эътиборини қувватланиш лозимлигини вақтининг ўзи тақозо этаётди. Турли йўналишдаги профилактик ишларни маҳалла-дара, таълим муассасаларида жамоат ташкилотларининг ҳам ҳаракатини жиғлаштирган ҳолда амалга ошириш мақсада мувофиқдир. Албатта, ушбу ижтимоий муаммонинг сабаблари ва оқибатларини кенг оммага тушуниришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳидадир. Қолаверса, бу борада ҳуқуқий мавзулар кенг ёритилиши устувор вазифа деб белгиланса, самара ундан-да юқори бўлиши шубҳасиз.

Йиғилиш сўнгидега аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилгани беҳиз эмас, албатта. Ҳақиқатдан ҳам, ушбу масаланинг нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва ҳозирги кунда долзарблигига қўлаётгани сир эмас. Агарда ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини яхши билса ва улардан тўғри фойдалана олса, бу ўз эркинлигидан ҳам оқилона фойдалана олади. Қолаверса, ҳар бир киши қонун бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун яратилганини ва фақат қонунга бўйсунган ҳолда инсон ўз қадриятини, ҳақ-ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қила олишини англаши жуда муҳимдир.

МАЛАЙЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БҲУРОГАН МАЛАЙЗИЯ БОШ АТТОРНЕЙИ ТАН СЕРИ АБДУЛ ГАНИ ПАТЕЙЛ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 6 АВГУСТ КҮНИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИ РАШИД ҚОДИРОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳам исчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладигани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилнинг октябр ойида Малайзияга давлат ташрифи чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида имзоланган ҳавфсизликни таъминлаш ва терроризмга қарши курашишда ҳамкорликка оид англашув меморандуми бу борадаги ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқди.

Учрашууда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида ислохотлар исчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётгани, кўплаб қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, замон талаблари асосида янада такомиллаштирилаётгани қайд этилди. Жумладан, 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда ўлим ҳазоси бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланди.

Музокарада терроризм, экстремизм ва айирмачилик, наркотик воситаларнинг ноқонуний савдоси, трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши курашишда ўзаро ахборот алмашуви ва ҳамкорликни фаоллаштириш, муассасаларо ҳамкорликнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Малайзия Бош атторнейи (прокурори) мамлакатимизда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бораида амалга оширилаётган кенг қаровли ислохотларга, суд-ҳуқуқ тизимига оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга юксак баҳо берди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда исчил ривожланиб бормоқда, — деди Тан Сери Абдул Гани Патеил. — Бугунги учрашув Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида ўзаро ҳуқуқий муносабатларни, жумладан, халқаро терроризмга ва трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бораидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонамиз. Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасида ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорликка оид англашув меморандуми имзоланди. Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири

Солиқ ТЕГИШЛИ ЧОРАЛАР КўРИЛМОҚДА

ҲАМЗА ТУМАНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2007 ЙИЛ 16 МАРТАДА «АЛКОГОЛ МАҲСУЛОТЛАРИ ЧАКАНА САВДОСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ДСИ ШАХСИЙ ТАРКИБИ ЎРТАСИДА ЙИГИЛИШ ЎТҚАЗИЛИБ, УШБУ ҚАРОР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

Унда Қарорнинг мазмуни, бугунги иқтисодий ислохотларнинг исчил амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этиши, тумандаги алкохол маҳсулотлари билан чакана савдоси амалга оширишнинг мезонлари ва унинг механизмининг янада тартибга солишига оид меъёрий ҳужжат бўлиб ушбу Қарор ижросини таъминлаш ҳар бир солиқ хизмати ходимининг вазифаси эканлиги ва «чуқур масъулиятни ҳис этган ҳолда сидқидилдан ижросини таъминлаш лозимлиги айтиб ўтилди.

2007 йил 1 апрель ҳолатига туман худудини спиртли ичимликлар билан савдо фаолиятини амалга оширувчи алкоғолли ичимликларга рухсат гувоҳномаи берилган 224 та объект туман савдо департаментидан олинган маълумот асосида қайта йўқлама (инвентаризация)дан ўтказилди.

Ўтказилган инвентаризация натижалари 2008 йил 1 май ҳолатига Ҳамза тумани ҳокимияти комиссияси томонидан кўриб чиқиб, ушбу қарор талабларига жавоб берадиган 126 та чакана савдо ва умумий овқатланиш объектига алкоғол маҳсулотларни сотиш учун янги турдаги гувоҳнома берилди.

Ҳамза тумани ДСИнинг 2008 йил 11 февралдаги 64-сонли буйруғи билан тумандаги алкоғол маҳсулотлари билан чакана савдо қилувчи объектилар дислокацияси тuzилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПК-605-сонли Қарори талаблари ижросини таъминлаш мақсадида 2007 йил 1 майдан 31 декабрга 21 та текширишлар ўтказилди. 21 ҳолатда Қарор талабларига зид равишда алкоғол маҳсулотлари билан савдо қилганили учун 2610 шиша 5665,3 минг сўмлик алкоғол маҳсулотлари олиб қўйилди. 18 та ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун туман судига юборилди. 4 та ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун туман прокуратурасига юборилди ва 3 та ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилди. 2 та ҳолат бўйича 1734,1 минг сўм молиявий жарима чораси қўлланганид ва ундириб олинди.

Жорий йил 1 январдан 30 апрелгача Ҳамза тумани ДСИнинг «КМТУ» бўлими томонидан туман худудини фаолият юритаётган 4 та чакана савдо ва умумий овқатланиш субъектларига қарашли шохобчаларда қисқа муддатли текширишлар ўтказилди ва уларнинг ҳаммасида турли камчиликлар аниқланди.

Ўтказилган текширишлар натижасида 3 та ҳолатда сифат сертификати, қирим ҳужжати бўлмаган ва тегишли рухсат гувоҳномасиз алкоғол маҳсулотларини сотиш ҳолатлари аниқланган. 1 та ҳолатда НКМ билан ишлаш тартиб-қоидаларига риоя қилмаслик ва нақд пул маблағларини ноқонуний сарф қилиш, ўз вақтида банк муассасаларига топширмалик ҳолатлари аниқланиб, 562,4 минг сўм молиявий жарима қўлланилган ва ундириб олинган.

Ўтказилган текширишлар натижасида 56 шиша, жами 128700 сўмлик алкоғол ичимликлар қонуний кўриб чиқиш учун олиб қўйилди. Аниқланган қонунбузарлик юзасидан 3 та шахсга нисбатан тuzилган ҳужжатлар қонуний кўриб чиқиш учун Ҳамза тумани жиноят иши бўйича судга юборилган.

Ш.ШОМАНСУРОВ, «КМТУ» бўлими бошлиғи

Оз-Оз ўнганлиб Домо бўлир...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ОГАҲИЙ ҲИКМАТЛАР

Ҳар кимки тоат фурсатин қўлдин берур
гафлат била,
Бўлмас ики олам аро бир дам
тахассурдин халос.

Англаб ганимат вақтни, саъй эт ишинг
итмомига —
Ким, даҳр авзон эмас ҳаргиз тағайюрдин
халос.

Гар коминг эрса, Огаҳий, бўлмоқ азизу
мўътабар,
Ҳаргиз ўзингни қилмоғил ажзу
такассурдин халос.

Аълоға бўлмас ҳеч бир адно эваз.

Вофиқ ўл, ўткармағил беҳуда умрингим,
онинг
Бир кунига бўлмоғой дунёи вамофиҳо
эваз.

Мол жамъ ўлса нетонг нодондаким,
Юк кўтормак гов ила хардин гараз.

Ҳиммат аҳлию саховат хайлига
Базл ила исор эрур зардин гараз.

Сансан, эй фарзанди олам, вофиқ ўл,
Хилқати афлуко ахтардин гараз.

Огаҳий, билгилки эрмас оқибат
Ҳуз фано дунёи абтардин гараз.

Шак йўқтурурки, захрдин охир бўлур
халок,
Ҳар гофилеки, қилса йилон бирла
ихтилот.

Яхшидур ўлса яхши билан муҳталит ёмон,
Яхши ёмондур этса ёмон бирла ихтилот.

Туз юрмак истасанг, қаридин қочма, эй
йигит,
Ким ўқ борур туз этса камон бирла
ихтилот.

Лек аҳли ақл олида муздин совуқдурур
Пири қуханга тоза жувон бирла ихтилот.

Ҳиммат агар баланд эса, беваҳм қилғуси
Мўри заиф шери жаён бирла ихтилот.

Чин онглоким, тамаъдур ўту обрў самон,
Ул ўтга берма ушбу самон бирла
ихтилот.

Роҳат этканга талаб чекмак эрур олом
шарт.

Кўкка чиқсанг ҳам кушдек тушқосан ер
остига,
Иззу жохи даҳрдин кибру ҳаво қилмоқ
ғалат.

Гар саховат лаззатидин беҳабарсан, эй
ганий,
Маҳзанинда жамъ бўлгон сийм ила
зардин на ҳаз.

Чун қўю кеткундур охир иш туман ар-
мон била,
Бас Фаридун молию мулки Скандардин
на ҳаз.

ЁШ МУСИҚАЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

ИСТЕЪДОДНИНГ ҚАНОТИ БОР, ДЕЙДИЛАР. УНИ ВАҚТИДА ПАЙҚАБ, ТЎҒРИ ЙЎНАЛТИРИЛСА ИНСОННИ КАМОЛОТ САРИ ЕТАКЛАШИГА ШУБҲА ЙЎҚ. ИТАЛИЯНИНГ САН БАРТОЛОМЕО АЛЬ МАРЕ ШАҲРИДА ЎТГАН ЁШ МУСИҚАЧИЛАРНИНГ «GIOVANI TALENTI» XXIII ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИ — Р.ГЛИЭР НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МАХСУС МУСИҚА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ ЎҚУВЧИЛАРИ ДИЛШОДБЕК САТТОРОВ, БОБУР МУҲАММАДЖОНОВ ВА САРДОР ТУРСУНОВНИНГ ОТА-ОНАСИ, УСТОЗЛАРИ БУНГА ЯНА БИР БОР АМИН БЎЛДИЛАР.

Жорий йилнинг 21-27 июль кунлари ўтган мажлис таълим ва маърифат, таълимнинг узвий қисми бўлган музика таълимини изчил ривожлантириш, бу йўналишдаги мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш, ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш ва рағбатлантириш, соҳада меҳнат қилаётган педагогларнинг меҳнатини қад-

рлаш ва эъозлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар музика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги эзгу ишларнинг ёрқин далилидир.

Ушбу галаба навқирон ҳамюртларимизнинг илк ижодий ютуғи эмас. Дилшодбек Сатторов «Санъат гунчалари», «Келажак овози» каби республика миқёсидаги ижодий бешлашуларда, шу йилнинг апрель ойида Франция пойтахтида ўтган ёш пианиночиларнинг тўққизинчи танловида голибликни қўлга киритган. Бобур Муҳаммадҷонов 2005 йилда Парижда ўтган халқаро ёш музикачиларнинг кўрик-танловида биринчи, Сардор Турсунов эса иккинчи ўринга сазовор бўлган.

— «Ёшлар йили» Давлат дастурида бел-



тилланган истеъодларни қўллаб-қувватлашга оид эзгу ишлар ёшларимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётган барчамизни жуда қувонтиради, — дейди Р.Глиэр номидаги Республика махсус музика академик лицейи ўқитувчиси Константин Беляков. — Бундай эзгу ишлар музика таълимининг янада ривожлантириш, соҳа педагогларининг меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдек олижаноб ишлар би-

лан йўлун тарзда олиб борилаётгани янада аҳамиятлидир. Лицейимиз ўқувчиларининг Италияда эришган муваффақияти энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Истиклолнинг ўн етти йиллигига муносиб совғадир!

Назокат Усмонова,
ЎЗА муҳрири
СУРАТДА: устоз ва шоғирлар.
Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

ПЕКИНДА ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Олимпиада биналарини барпо этишда хитойлик муҳандислар энергияни тежовчи технологияларни жорий этиб, уларни геотермал ва қуёш энергиясида ишловчи таъминот тизимлари билан жиҳозлади.

Спорт объектларини бунёд этишга кетган ҳаражатлар мусобақага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида қилинган қимматларнинг бир қисми, ҳолос. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, Хитой Олимпиада учун 40 миллиард АҚШ долларига тенг миқдорда маблағ сарфлаган бўлиб, унинг катта қисми Пекиндаги инфратузилма, транспорт тизими ва экологияни яхшилашга йўналтирилган.

Олимпиада Хитой пойтахтининг иқтисодий жиҳатдан янада жадал ривожланишига сабаб бўлди. Пекин статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, пойтахтнинг йиллик ўртача ялли ички маҳсулоти 2005 йилдан буён 11,8 фоизга ўсаятган бўлиб, 2007 йилда бу кўрсаткич 132 миллиард долларни ташкил этди.

Пекин Олимпиадасининг яна бир жиҳати унинг ёрқин ва ўзига хос миллий руҳга эга эканидир. Хитой қадим цивилизация ва ўзига хос маданиятга эга мамлакат бўлиши баробарида жаҳондаги энг юқори суръатда ривожланиб бораётган давлатлардан бири ҳамдир. Мамлакат нуфуси қарийб 1 миллиард 300 миллион кишидан иборат бўлиб, бу сайёрамиз аҳолисининг бешдан бир қисми демакдир. Ўтган йили Хитойнинг иқтисодий ўсиш суръати 11,9 фоизни ташкил этди. Мамлакатда жамиятни либераллаштириш ва модернизациялаш жараёнига тобора чуқурлашиб, аҳоли фановонлиги даражаси юксалиб бораётгани.

Хитойдаги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш мамлакат аҳли онгида улкан ўзгаришлар ясади, хорижий тиллар ва Олимпиада тарихини ўрганишга, мамлакат бўйлаб оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказишга катта туртки берди.

XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида спортнинг 28 тури бўйича 302 та медал тўплами учун баҳс олиб борилади. Юртимизнинг 58 нафар вакили Пекин Олимпиадасида спортнинг 15 тури — юнон-рум ва эркин кураш, бокс, дзюдо, таэквондо, оғир ҳамада енгил ат-

летика, ўқ отиш, спорт гимнастикаси, байдарка ва каноеда ҳамда академик эшак эшиш, трамплин, шоссё-велоспорти, сузиш ва теннис бўйича ўтказилган мусобақаларда иштирок этади.

Шу ўринда мамлакатимиз раҳбарияти спортни ривожлантириш ва Олимпиада ҳаракатини қўллаб-қувватлашга катта эътибор кўрсатиб келаятганини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда юртимизда соғлом авлодни тарбиялаш борасида мустаҳкам ва синовдан ўтган тизим шаклланди. 2002 йилда Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатда болалар ва ўсмирлар ўртасидаги жисмоний тарбия ва спорт ишларининг ташкилотчи бўлган Ўзбекистон Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси тасвिस этилди.

Маъзур жамғарма ташкил қилингандан буён ўтган давр мобайнида юртимизда 720 та болалар спорт муассасаси бунёд этилди ва таъмирланди. Ушбу мақсадлар учун давлат ҳисобидан 104 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

2000 йилдан бошлаб мамлакатда ҳар йили уч бошқичли спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Булар умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокидаги «Умид ниҳоллари», академик лицейи ва касб-ҳунар коллежи тарбияланувчиларининг «Баркамол авлод» ўйинлари ҳамда олий ўқув талабаларининг «Универсиада» мусобақалари.

Айтиш жоизки, катта спорт тадбирларида эришилган юксак марралар ушбу саъй-ҳаракатларнинг махсули ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Лина Черязова, Армен Багдасаров, Карим Тулганов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Артур Таймазов, Сергей Михайлов, Рустам Саидов, Александр Доктуровский, Магомед Ибрагимов, Баходир Султонов ва Ўткирбек Хайдаров каби юртдошларимиз қишги ҳамда ёзги Олимпиада ўйинлари чемпиони ва совриндорлари бўлишди.

Эртага Пекинда очилажак XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга отланган барча спортчиларимизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА.

«02» ХАБАРЛАРИ

●Мирзо Улғабек туманида ҳеч қаерда ишламайдиган, Вячеслав В. 307- мактабнинг 5- синф ўқувчиси, Карельская кўчасида яшовчи Аскар Х.нинг уйи олдида, куч ишлаштириш йўли билан қўриқтиб 130.000 сўмлик «Филипс» велосипедини тортиб олиб қочиб кетган.

Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 166-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилади.

●Хамза туманидаги Қадиров кўчасида жойлашган «Россия» қаҳвахона олдиде, Сурхондарё вилояти, Денов туманида яшовчи Раим Х. безорилик оқибатида, «Лисунев-4» да яшовчи Геннадий Д. ни уриб тан жароҳати етказган. Натижада Геннадий «соғлигининг қисқа муддатта бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати» олган.

●Чилонзор туманида номаълум шахс қалит танлаш йўли билан, Чилонзор 7-даҳасидаги 265-мактабга қатъий таълим муассасасининг «Бойбечак» ғуруҳи хонасидан шу муассаса тарбиячиси, Чилонзор 11-мавзёда яшовчи Малика Б.нинг 900 АҚШ дол-

лари ва фуқаролик паспортини ўғирлаб кетган. Ж.Қ. ва УЖҚКБ ходимлари томонидан таниши, ушбу ўғирликни содир этишда гумонланаётган, шу мақтабга таълим муассасасининг ишчиси, Есения кўчасида яшовчи Василий Р. ашъвий далиллар билан ушланиб тергов ҳаракатлари олиб борилади.

●Шайхонтоҳур туманида Алишер Навоий кўчасида жойлашган «Генфест» дўқони олдида, Юнусобод даҳаси, 19-мавзёда яшовчи Аҳмад Д. қайнониси, уй бекаси, Тошкент вилояти, Красногорск кўрғони, Полтава кўчаси 8- уйда яшовчи Марина Алексеевни «муздек сув олиб келиб бераман» деб алдаб, 140.000 сўмлик аёллар сумкасида 5.000 АҚШ доллари, 100.000 сўм пули, бир дона 100.000 сўмлик «Нокия — 6610» русумли уяли телефон аппарати ва бир дона 150.000 сўмлик «Нокия-6230» русумли уяли телефон аппаратини олиб, жами 5.000 АҚШ доллари ва 490.000 сўмлик моддий зарар етказган.

Ушбу ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилади.

●Собир Раҳимов туманида «Бе-руний» метро бекати олдида, Самарқанд вилояти, Қўшработ туманида яшовчи Шодмон К. Навоий вилояти, Кармана туманида яшовчи Махмуд Т. ни Тошкент давлат иқтисодий университетига Давлат тест маркази томонидан берилган қўшимча ўринлар ҳисобидан ўқишга киритиб қўйишга олдиндан ваъда бериб, унинг 7.000 АҚШ долларини олиб қайтариб бермаган.

●Шу тумандаги Жомий кўчасида жойлашган «Муҳаммад Расул» фирмасида, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳрида яшовчи Обид Ю. хуsusий тадбиркор, Фаробий кўчасида яшовчи Тожибой Д.ни «қушхона қурилиши учун Бухородан арзон нархга ускуналар олиб келиб бераман» деб алдаб, 1.900 АҚШ долларини олиб, қайтариб бермаган.

●Юқордаги ҳолатлар бўйича Ўз. Р. Ж. Кодексининг 169- моддаси «фирибгарлик» бўйича жиноят иши қўзғатилиб тергов ишлари олиб борилади.

Бахтиёр ХОШИМОВ,
Тошкент шаҳри ИИББ Матбуот маркази катта инспектори.

Мунажжим башорати

8 АВГУСТ, ЖУМА
БУГУНГИ КҮН РАМЗИ ОЛОВ, ҚАҚНАС БЎЛИБ, ҲАМ ЖИСМОНИЙ, ҲАМ РҲҲҲЙ ПОКЛАНИШ КУНИ ҲИСОБЛАНАДИ. КУННИ ТАНҲОРОК ВА БИРОР ИШГА БАРИШЛАБ ЎТКАЗГАН МАЪҚУЛ. ЭҲТИРОСЛАРИНГИЗНИ ЖИЛОВЛАНГ. НОХУШ ХАВАР ОЛИШИНГИЗ МУМКИН. КЎЗГУДА ҲАМ ИШИНГИЗГА ҚАРАМАСЛИККА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ. БИРОР-БИР МУҲИМ МУАММО ЕЧИМИНИ ТОПИШГА ИНТИЛСАНГИЗ, У УНИНГ ЯНГИЛИШ БЎЛИБ ЧИҚИШИ ҲЕЧ ГАПМАС.

Рақс, баҳс-мунозара, жисмоний фаолият, санъат асарларини ўрганиш, китоб мутолааси, қурилиш билан боғлиқ ишлар ҳайрли бўлиши кутулади. Бугунгидай кунлар сизни чи-

накам буюқ ишларга руҳлантириши мумкин. Спиралсимон ҳаракатлар кунини бугун ва у факат юқорида бўлиши билдиради. Тоғонингиз заифлашган ҳолатда бўлади, муздек

тизимни, томқ, юқори нафас йўлларини, гайморит, тумовларни даволаш мумкин.

Тушларингиз кенг маънода «ўз бойликларингиз» ни кимлар билан баҳам кўришингиз муқимлиги ҳақида ҳикоя қилди. Кутимланган воқеа-ҳодисаларда тушингиздагиларни ўнгингизда қўришингиз мумкин. Тушларингиз у ёки бу ҳилдаги муҳим муаммолар ечимини кўрсатиб, ҳафта мобайнида ўнгингизда содир бўлиши мумкин.

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3200 нусхада босилади.
Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига
муносабат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва сақланади.

«Шор» нашриёт-матбوع акциядорлик компанияси
босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6

Топширилган вақти: 13.20

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзиллимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ

Буюртма Г- 706